

**ТОЖИБОЕВА Дилором,**Тошкент молия институти «Касбий таълим»  
кафедраси профессори, иқтисод фанлари  
номзоди

# ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ИККИ ТОМОНИ ВА УНИ ТАЛҚИН ЭТИШНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА НЕОИНСТИТУЦИОНАЛ ЁНДАШУВНИНГ РОЛИ

УДК 330.101.8

---

***ТОЖИБОЕВА Д. ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ИККИ ТОМОНИ ВА УНИ ТАЛҚИН  
ЭТИШНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА НЕОИНСТИТУЦИОНАЛ ЁНДАШУВНИНГ РОЛИ***

Мақолада ижтимоий-иқтисодий тизим, унинг икки томони ва мазмуни очиб берилган. Иқтисодиёт назариясининг ривожланиш жараёнида қандай тарзда классик ва неоклассик мактабларнинг унга бир томонлама ёндашганлари, ҳозирга келиб иқтисодиётни назарий жиҳатдан ўрганишда ҳар икки томонга бир бутун тарзда қарашларнинг шаклланишида неоинституционал назариянинг роли кўрсатилиб, ҳар икки гуруҳ муносабатларининг ривожланиши туфайли жамиятнинг институционал тузилиши ўзгариши ва у ўз навбатида иқтисодий муносабатларнинг ривожланишига таъсир кўрсатиши асослаб берилган.

Таянч иборалар: ижтимоий-иқтисодий тизим, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, ташкилий-иқтисодий муносабатлар, институционал тузилма, классик мактаб, неоклассик мактаб, неоинституционал иқтисод.

---

***ТАДЖИБАЕВА Д. ДВЕ СТОРОНЫ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ОТНОШЕНИЙ И РОЛЬ  
НЕОИНСТИТУЦИОНАЛЬНОГО ПОДХОДА В РАЗВИТИИ ИХ ТРАКТОВКИ***

В статье раскрывается сущность социально-экономической системы, состоящей из двух типов связей, отношений. Показаны крайние взгляды классической и неоклассической школ, роль неоинституционального подхода в сближении их взглядов в процессе развития экономической теории, влияние развития экономических отношений на институциональное устройство общества и обратная взаимозависимость.

Ключевые слова: социально-экономическая система, социально-экономические отношения, организационно-экономические отношения, институциональное устройство, классическая школа, неоклассическая школа, неоинституциональная экономика.

---

***TADJIBOEVA D. TWO SIDES OF ECONOMIC RELATIONS AND ROLE OF NEOINSTITUTIONAL  
APPROACH IN DEVELOPMENT OF SCIENTIFIC SIGHTS***

In the article the essence of the social and economic system consisting two types of communications of relations are revealed. There are shown boundary sights of both classical and neoclassical school and role of neo institutional theory in re approach their sights in development of the economic theory, its influence to development of economic relations on institutional society organization and their return interdependence.

Keywords: social and economic systems, social and economic relations, organizational-economic relations, institutional arrange, classical school, neoclassical school, neoinstitutional economy.

*Биз иқтисодиёт деганда реал, ҳақиқатда амал қилаётган иқтисодиётни тушунамиз. Реал иқтисодиёт амалда юритилаётган хўжаликлар фаолиятини ифодалайди. Иқтисодиёт назарияси эса ана шу фаолиятни назарий жиҳатдан акс эттиради. Биз биламизки, инсоният юз берган воқеа-ҳодисаларни бир томондан, назарий жиҳатдан, иккинчи томондан эса илгари сурилган ғоя, назарий фикрларни амалиёт натижалари орқали асослаб беришга ҳаракат қилган.*

Буни аниқса, биз физика фани, табиат қонунларини ўрганганимизда ҳис этганмиз. Чунки инсоният миллион йиллаб йиғган тажрибаси, ўз фаолияти натижасида назария ва амалиёт бирлигисиз олға бориб бўлмаслигига ишонч ҳосил қилди. Худди шундай тарзда иқтисодий фаолият, иқтисодий қонунлар ҳам реал ҳаёт, амалиётда юз бераётган муносабатларни назарий жиҳатдан асослаш, илгари сурилган назарий фикрлар, таклифларни амалда қўллаш натижаларини ўрганишни объектив зарурат қилиб қўяди<sup>1</sup>.

Иқтисодий адабиётларида кўрсатилишича, кишилиқ жамияти эҳтиёжларини қондириш учун неъматлар ишлаб чиқаришни бошлаганига 10 минг йилдан кўпроқ бўлган бўлса-да, уни назарий жиҳатдан тушунтириб беришни бошлаганига 300 йилдан ортди. Билишнинг энг ривожланган, юқори даражаси реал воқелиқ, ҳолатни маълум бир алоқалар, уларнинг амал қилиши қонуниятлари ҳақида яхлит тасаввур қилиш, кўз ўнгида гавдалантиришга имкон берувчи илмий билиш шакли ҳисобланади.

Реал иқтисодиётнинг асоси хўжалиқ юритишнинг ривожи билан бирга бутун тарихий тараққиёти билан такомиллашиб боради. Бизнинг вазифамиз: 1) хўжалиқ фаолиятини бош, доимий асоси, уларнинг ўзгариш йўналишини аниқлаш; 2) реал иқтисодиёт асосининг инсоният ҳаётидаги роли, яъни «инсон учун нима беради?» деган саволга жавоб беришдир.

Инсонлар ўртасидаги иқтисодий алоқалар, муносабатлар турли-тумандир. Уларни маълум бир нуқтаи назардан ёндашиб гуруҳларга ажратиш мумкин. Биз уларни, энг аввало, бир-бирини тақозо қилиши, боғлиқлиги ва бу муносабатларнинг тутган ўрни жиҳатидан икки гуруҳга: ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ва ташкилий-иқтисодий алоқалар, муносабатларга ажратамиз.

**Ижтимоий-иқтисодий муносабатлар** жамиятдаги йирик ижтимоий гуруҳлар, жамоа, жамият

аъзолари ўртасидаги алоқаларни ўз ичига олади. Улар, энг аввало, ишлаб чиқариш фаолияти натижалари, яъни яратилган маҳсулотга бўлган мулкчилик мазмуни, унга эгалиқ қилиш муносабатлари, ишлаб чиқариш алоқалари, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, тақсимот муносабатлари.

Бу муносабатлар жамият учун энг муҳим, биринчи даражали ижтимоий-иқтисодий саволларга жавоб беради:

- иқтисодий ҳукмронлик кимнинг қўлида – ҳал қилувчи ишлаб чиқариш омиллари ким томонидан ўзлаштирилади;

- ким ва қандай ишлаб чиқаради - ижтимоий шароитларга кўра иқтисодий неъматларни яратади;

- хўжалиқ фаолияти натижаси кимга ва қанча миқдорда тегишли бўлади. Улардан келиб чиқиб, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ўз ичига мулк муносабатлари, ишлаб чиқаришдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, неъматларни тақсимлаш муносабатларини қамраб олади.

Ташкилий-иқтисодий муносабатларнинг вужудга келишига сабаб – ижтимоий ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш ва истеъмолни маълум бир ташкилий шаклисиз амалга ошириб бўлмайди. У инсонларнинг ҳар қандай биргалиқдаги фаолият юритишлари учун объектив заруриятга айланади. Уларни биз ташкилий-иқтисодий муносабатлар деб атаймиз. Ишлаб чиқарувчилар ўз хўжалиқ фаолиятлари қандай бўлиши кераклигини аввалдан ўйлаб, таҳлил қилишади. Иш жараёнини қандай ташкил этишни режалаштиришади. Режаларини амалга ошириш учун ташкилий масалаларни ечишади.

Ташкилий **иқтисодий муносабатлар меҳнат тақсими ва кооперацияси муносабатлари, хўжалиқ юритишнинг ташкилий алоқалари ва муносабатлари, иқтисодиётни бошқариш алоқалари, муносабатларини** ўз ичига олади. Улар бир бутун ҳолда, яхлитлиқда иқтисодий муносабатлар тизимини ташкил этади. Ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ўзига хос, махсус муносабатлар бўлиб, улар маълум бир тарихий давр ёки ижтимоий тизимга хос. Унга неонституционал

<sup>1</sup> Тожибоева Д. Самарадорлик ва унга назарий жиҳатдан классик ва неоклассик ёндашув. // «Халқаро молия ва ҳисоб» илмий электрон журнали. 2017, 5-сон. -1-6.

нуқтаи назардан қарасак, кишилик жамиятига хос муносабатлар билан бирга ҳар бир мамлакатнинг ўзига хослиги акс этади. Бу муносабатларда асосий ролни мулк муносабатлари ўйнайди.

Ташкилий иқтисодий алоқалар ва муносабатлар ижтимоий-иқтисодий муносабатлардан фарқли равишда барча мамлакатлар учун умумий жиҳатларга эга бўлиб, буларга энг аввало хўжалик юритишнинг ташкилий шакллари, эришилган меҳнатни ташкил этиш ва бошқаришнинг илмий, инновацион ютуқлари кабиларни киритиш мумкин.

Иқтисодий муносабатларнинг иккига ажралиши иқтисодий фикр юритишнинг тарихий ва ҳозирдаги иккига ажралиш сабабларини тушунишга ёрдам беради.

Маълумки, иқтисодиётни назарий жиҳатдан таърифлаш қадимги Юнонистонда Аристотель, Ксенофонт<sup>1</sup> томонидан «уй хўжалигини юритиш ҳақида»ги таълимот сифатида қаралган. У пайтда шундай хўжалик қулдорнинг ер хўжалиги бўлган. Бу таълимот ўрта асрларгача ҳукм сурган.

XVI асрга келиб, Европада бозор иқтисодиёти, тадбиркорликнинг шаклланиши бошлаши, савдо, айниқса мамлакатлар ўртасидаги савдонинг ривожланиши миллатнинг бойиши манбаларини назарий жиҳатдан асослаб бериш учун изланишларнинг кучайишига олиб келди ва у Англия, Франция, Италия каби мамлакатларда назарий мактаб – меркантилизмнинг (merkante – савдогар) вужудга келишига олиб келди.

Меркантилистларни назарий иқтисодиётнинг аввалги уй хўжалигини юритиш ҳақидаги таълимот, деган номи қониқтирмай қўйди. Шунинг учун франциялик меркантилист Антуан Монкретьен унга «политэкономия - сиёсий иқтисод» (юнонча *politike* – давлатни бошқариш санъати) деб ном берди. 1615 йилда ёзган «Сиёсий иқтисод бўйича рисола»да Франциянинг ташқи савдо бўйича манфаатларини ҳимоя қилиш учун давлат томонидан махсус чора-тадбирлар қабул қилиш бўйича ўз фикрларини билдирган. Шу пайтдан бошлаб назарий иқтисодга миллий бойликни кўпайтиришда давлатнинг роли ҳақидаги таълимот сифатида қараладиган бўлди.

Тарих саҳнасида савдо капитали ўрнига саноат капитали чиқиши ва ҳукмронлиги ўрнатилиши билан меркантилизм илгариги мавқеини йўқотди. Ўрнига илмий назарий иқтисод кириб келди. XVII–XVIII асрларда вужудга келган Англия сиёсий

<sup>1</sup> Қадимги юнон мутафаккири Ксенофонтнинг (милоддан аввалги V-IV асрларда яшаган) «Ойкономия» трактати шу масалага бағишланган.

иқтисоди, унинг машҳур вакиллари Адам Смит ва Давид Рикардо капиталистик муносабатларни биринчи марта чуқур ўрганиб, миллий бойликнинг ўсиши ҳақида ўз таълимотларини яратдилар. Англия сиёсий иқтисоди эришган қатор ютуқларига кўра классик (лот. *classicus* – намунали, машҳур, ҳамма эътироф этган) фанга айланди.

А.Смит ва Д.Рикардо реал иқтисодиётни ўрганиш учун қатор методлар ишлаб чиқишди ва унинг натижасида фаннинг қатъий илмий характери шаклланди. Улар асосида меркантилистлар кўрсатган савдо бойлик кўпайишининг асоси бўла олмаслиги, савдода қатнашаётганлардан бирининг ютуғи иккинчисининг бой беришига олиб келиши, халқлар бойлиги ишлаб чиқаришдагина яратилиши ва кўпайишини асослаб беришди. Халқ фаровонлигини ташқи савдо ёрдамида ошириб бўлмаслиги, мамлакатга қимматли металлнинг оқиб келиши кутилганидан тескари натижага олиб келиши, яъни товарлар нархининг ошиб кетиши ва аҳоли истеъмолининг қисқаришига олиб келишини исботлашди.

Реал иқтисодиётни ўрганиш бўйича тўпланган билимларни ягона илмий тизимга келтиришди. Айниқса, неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмолнинг бир-бири билан боғланишини тадқиқ этдилар ва унинг тизимли боғланиш эканини кўрсатиб бердилар. Улар хўжалик юритишда юз берадиган воқелик, алоқаларни шунчаки кўринишини тасвирлаб қолмай, уларнинг ички моҳияти, сабаб-оқибатли боғланишларини ўрганишга диққат қаратдилар ва уларга асосланиб капиталистик иқтисодиётнинг қонунларини очиб бердилар.

Инглиз классик сиёсий иқтисодиёт мактабига ўзининг А.Смит, Д.Рикардо фикрларидан ажралиб турувчи, қиймат ва қўшимча қиймат назариясига янгича қарашлари билан К.Маркс ҳам киритилади ва ўзига хос ўрин тутди. У ўзининг «Капитал» асарида катта миқдордаги реал маълумотлар асосида капиталистик ишлаб чиқаришни таҳлил қилиш билан хусусий мулк эгаларининг даромади ва ёлланма ишчиларнинг иш ҳақи шаклланиши ва тақсимланишини тушунтириб беради.

Классик иқтисодиёт назариётчиларининг буюк хизматлари шундаки, улар нафақат сиёсий иқтисодиёт фанининг асосчилари, балки келгусидаги иқтисодий тафаккур, таълимотнинг ривожланиши, тараққиётига бебаҳо таъсир кўрсатдилар. Буни барча дунёда танилган иқтисодчилар ўз ишларида эътироф этишади ва шу билан бирга классик сиёсий иқтисодга хос чекланганлик, фикрлар қарама-қаршилиги мавжудлигини эслатиб ўтишади:

• инглиз классиклари ва К.Маркс иқтисодий назариянинг предметини аниқлашда бу фан инсонлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнигина ўрганади, деб бир томонлама позицияни танлашган. Бунда ишлаб чиқаришнинг ташкилий муносабатлари ролига етарлича баҳо берилмаган;

• иқтисодий назариянинг дастлабки йўналишларида товар қийматининг шаклланиши ва баҳонинг ташкил топишида ишлаб чиқаришнинг роли ҳаддан ташқари ошириб юборилди. Шу билан бирга бозор, тўловга қодир талабнинг ишлаб чиқаришни ривожлантиришдаги ролига аҳамият беришмади;

• А.Смит, Д.Рикардо объектив равишда капитал эгасининг қандай бойиши сирларини очиб беришган. Д.Рикардо ўша пайтдаги Англиядаги 100 миллионернинг бири бўлишига қарамай ҳукмрон синфнинг даромад манбасини очиб берган;

• К.Маркс А.Смит ва Д.Рикардодан кейин «сиёсий иқтисодиёт турли синф ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини ҳимоя қилади», деган фикрни илгари сурган ва ўз классик йўналиши вариантини ишчиларни ҳимоя қилишга қаратган. Бундай синфий ёндашув, қатор айтилган фикрлар ва чиқарилган хулосалар илмий объективликни тўлиқ кўрсатмаган;

• инглиз классиклари ишлаб чиқариш реал иқтисодиётнинг асоси, у табиий қонунлар асосида ривожланади ва шунинг учун давлатнинг аралашувига муҳтож эмас, деб ҳисоблашган. Шунга қарамай фан номининг айтилган фикрга қарама-қарши бўлишига қарамай, ўзгартиришмаган.

Классик сиёсий иқтисодиёт капитализмнинг етакчи мамлакати Англиянинг XVII-XIX асрдаги (капиталнинг якка шакли ҳукмронлиги, эркин рақобат, давлатнинг иқтисодиётга аралашмаслиги ҳукм сурган пайт) ижтимоий-иқтисодий муносабатларининг тарихий хусусиятларини акс эттирган.

Иккинчидан, қарама-қаршиликлардан иборат ҳақиқатни бир ёқлама ёндашганини кўрсатади. Натижада XIX асрнинг учинчи чорагига келиб, иқтисодий назарияда янги йўналиш пайдо бўлди. Бу йўналиш Австрия, АҚШ, Англия ва бошқа мамлакатларнинг олимлари томонидан яратилиб, илмий классик йўналишга хос асосий хусусиятларга эга бўлиб, реал иқтисодиётнинг кенг қўламдаги билиш методларига таянишади. Унда инсонларнинг танлов билан боғлиқ иқтисодий психологиясига катта эътибор берилади.

Бу йўналиш вакиллари олинган янги маълумотлар, билимларни умумлаштириш ва ягона илмий

тизимга келтириш, хўжалик юритиш жараёнлари билан инсонлар танлови ўртасида сабаб-оқибатли боғланиш мавжудлигини очиб бериш орқали амал қилувчи иқтисодий қонунларни аниқлашди. Энг муҳими сиёсий иқтисод вакилларида фарқли равишда иккинчи тур иқтисодий муносабатлар – инсонлар ўртасидаги ташкилий-иқтисодий муносабатларга диққат-эътибор қаратишди. Неъматларнинг доиравий айланишида айирбошлаш – бозор битимларида етакчи ўрин эгаллашига эътибор қаратиш иқтисодий назариянинг предметининг янги талқини хўжалик юритишнинг бозор тизими ҳақида таълимот яратилишига олиб келди.

Австрия мактаби вакиллари: Карл Менгер, Ойген Бем-Баверк, Фридрих фон Визерлар истеъмолчиларнинг танлови ва саъй-ҳаракати назариясига кадр-қимматнинг субъектив психологик концепциясига асос солишди. Уларнинг фикрича, ҳар бир субъект неъматнинг ўзи учун кадр-қимматини субъектив равишда ўзи учун аниқлайди. Бунда неъматнинг унинг истеъмолини қондиришдаги муҳимлиги ва унинг сероблиги ёки камёблиги асосий роль ўйнайди. Неъматни ҳар бир қўшимча бирлигини истеъмол қилишдан олинадиган қўшимча наф маржинал нафлилик деб аталади. У тўйинганлик даражасини оширади ва бу билан унинг нафлигини пасайтиради, яъни маржинал нафлилик пасайиши рўй беради<sup>1</sup>.

Америкалик иқтисодчи Жон Бейтс Кларк маржинал нафлилик назариясини ўзининг меҳнат ва капиталнинг унумдорлигини пасайиб бориши концепцияси билан тўлдирди. У бу фикрини инглиз сиёсий иқтисодининг қўшимча қиймат назария-

<sup>1</sup> Бизнингча, бу ерда яна бир нарсага, яъни маржинал кўрсаткичларнинг номланишига диққат қаратишимиз зарур. Маълумки, бу кўрсаткичларнинг муаллифлари инглиз, француз тилларида маржинал (marginal) тушунчасини илмий оборотга киритишган. У рус тилида «предельный» деб таржима қилинган. Ўзбек тилида эса иқтисодчиларимиз томонидан турлича таржима қилинади. Масалан, Ш.Шодмонов, Р.Алимов, Т.Жўраевларнинг «Иқтисодиёт назарияси» ўқув қўлланмасида маржинал харажатлар «қўшилган харажат», Ш.Шодмонов, У.Ғафуровларнинг «Иқтисодиёт назарияси» дарслигида «кейинги қўшилган», «сўнгги қўшилган», С.Ғуломов, А.Абдуллаев, А.Отволдиевларнинг «Иқтисодиёт илмий асослари» ўқув қўлланмасида «меъёрий», К.Саидов, Р.Сейтмуратов, Д.Асланова, С. Исҳоқовларнинг «Социал иқтисодиёт» номли ўқув қўлланмасида «чекки», деб таржима қилинган. Биз ҳам дастлаб «меъёрий» деган сўзни ишлатиш тарафдори бўлганмиз. Лекин меъёрий сўзининг ўзбек тилида улчовли миқдор, даража, норма, меъёрдан ошмаган маъноларда ишлатилиши, оригинал маъносини аниқ тасвираб берувчи сўз йўқлигини ҳисобга олиб, «маржинал» сўзининг узини ишлатиш маъқулроқ, деган хулосага келдик (Тожибоева Д. Кўп укладлик шароитида аграр соҳа самардорлигини оширишнинг илмий назарий асослари. Монография. – Т.: «Fan va texnologiya» 2012. -17-бет).



сига қарама-қарши қўяди. Унинг фикрича, иш ҳақи, фойда – даромадларнинг манбаи фақатгина ишчилар меҳнати натижаси эмас. Шунинг учун ишлаб чиқариш натижасини ишлаб чиқариш омиллари (меҳнат, капитал, ер) ўртасида ҳар бирининг қўшган ҳиссасига кўра тақсимлаш ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бундай тақсимот тадбиркорлар билан ишчилар манфаатларининг мослашувига олиб келади.

Назарияга (истеъмол ва ишлаб чиқаришга) маржинал кўрсаткичларнинг киритилиши иқтисодиётда математик мактабнинг келиб чиқишига олиб келди. Инглиз олими У.Жевонс, швейцариялик иқтисодчи Л.Вальрас, итальян тадқиқотчиси В.Паретолар олий математикани иқтисодиётда қўлладилар. Ишлаб чиқариш, бозор, истеъмолда кўплаб функционал боғланишлар мавжудлигини аниқладилар. Бу методлар ресурсларнинг чекланганлиги шароитида ишлаб чиқариш имкониятларидан самарали фойдаланишнинг оптимал вариантларини қидириб топиш имкониятини берди. Маржинал йўналишни деярли барча иқтисодчилар иқтисодий фанда революция ясаган йўналиш деб тан олишади ва у назариядаги янгича ғоялари учун неоклассик назария деб ҳам аталади.

Лекин у ҳам кўпчилик иқтисодчиларнинг фикрига кўра, классик сиёсий иқтисод йўл қўйган хато - унинг предметига бир томонлама ёндашувга олиб келди. «Бир-бирига қарама-қарши турган икки назариядан бири сарфланган меҳнат харажатларига диққат қаратса, иккинчиси унинг наф келтиришига қаратди. Натижада ҳар иккиси ҳам нархнинг келиб чиқишини объектив равишда тушунтириб бера олмайди»<sup>1</sup>.

Иқтисодий назариядаги революция турли мамлакат олимлари томонидан амалга оширилиши уларнинг натижаларини умумлаштириш ва тизимлаштиришни зарур қилиб қўйди. Бу вазифани Кембриж университетининг профессори Альфред Маршалл бажарди. У ўз ишини фаннинг номини ўзгартиришдан бошлади. У бу фаннинг предмети «соф иқтисодиёт» - хусусий мулкнинг ижтимоий шаклларида қатъи назар хўжалик юритиш фаолиятларини ўрганишдир, деб кўрсатади. Ўзининг бош меҳнат маҳсулини «The principles of economics» - «Иқтисодиёт фанининг принциплари», деб атади ва у янги йўналишни яхлит ҳолда кўрсатиб берди. Иқтисодий таҳлилга вақт омилини киритиши туфайли бозор мувозанатига эришишда нафақат талаб (истеъмол), балки таклиф (ишлаб

чиқариш омиллари, яъни харажатлар)нинг ролини кўрсатиб, улар нархнинг шаклланишида гўёки «қайчининг икки тиғи» вазифасини ўташини асослаб берди<sup>2</sup>.

XX асрнинг 20-йилларидан бу йўналиш инглиз-америка иқтисодий адабиётларида «Экономикс» номини олди ва сиёсий иқтисод термини жуда кам ишлатиладиган бўлди. 1930-йилларда Лондон университетининг профессори Л.Роббинс берган таъриф кенг ёйилди. Унинг фикрича, ресурсларнинг чекланганлиги шароитида эҳтиёжларни қондириш учун тақсимланиши марказий муаммо ҳисобланади. Экономиксни рационал фаолият ҳақидаги умумий фаннинг бир бўлими сифатида қарайди ва унинг ижтимоий мазмунига эътибор бермайди. Асосий диққат харидорга қаратилади. Харидор пули билан ўзига керакли неъматни сотиб олиб, ишлаб чиқарувчиларни талабга мослашишга мажбур қилиши кўрсатилади. Нархнинг шаклланишида ишлаб чиқарувчиларнинг роли деярли йўққа чиқади.

Шундай қилиб, биринчидан, ҳар икки йўналиш сиёсий иқтисодиёт ва экономикс фанининг предметини инсонлар ўртасидаги муносабатлардан бирини танлаши билан ярим-ёрти қараш ҳукмронлигига олиб келди.

Иккинчидан, XVIII асрдан классик сиёсий иқтисод, XIX асрдан экономикснинг ҳукмрон мавқеи ва XX асрга келиб, улар ўртасида бирдамлик ва ўзаро ҳамкорликнинг бузилиши қарама-қаршиликнинг кучайишига олиб келди. Бунда албатта сиёсий иқтисодни собиқ иттифоқ ва бошқа социалистик мамлакатлардаги сиёсий тузумни, экономикснинг эса Ғарб мамлакатларида капиталистик ғояни мустақамлашга қаратилиши ҳам муҳим роль ўйнади.

Жаҳон иқтисодий назариясида бундай вайронкорликка олиб келувчи ҳолат уни ечишни объектив зарурият қилиб қўйди. «Иқтисодий қарашларни қандай қилса назария реал иқтисодиётни бир бутун ҳолда кўриши ва унинг келажагини илмий асослаш, прогноз қилиш учун хизмат қилади?», деган нуқтаи назардан қарашлар вужудга келди.

Экономикснинг муаллифлари хусусий мулкчиликка асосланган соф капитализм, эркин тадбиркорлик, хўжалик фаолияти юритишга, уни бошқаришга давлатнинг аралашмаслиги зарурлигини асослашга уринишган. Лекин, экономикс муаллифларининг эътироф қилишича, соф капитализм ҳеч қаерда амал қилмайди. Масалан, таниқли муаллифлар К.Р.Макконелл ва С.Л.Брюлар ҳам барча

<sup>1</sup> Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси. / Академик М.Шарифхўжаевнинг илмий таҳрири остида. – Т.: «Уқитувчи», 2002. -68-72-б.

<sup>2</sup> Маршалл А. Принципы экономической науки. – М. «Прогресс», 1993.

ривожланган мамлакатлар, жумладан АҚШда ҳам реал амал қилувчи иқтисодий тизим бир-бирига зид икки томоннинг – соф капитализм билан буйруқлар орқали бир марказдан бошқариладиган иқтисод орасида эканлиги АҚШ ҳукумати иқтисодиётда фаол роль ўйнашини эътироф этишади<sup>1</sup>.

Иқтисодий назариянинг у ёки бу йўналишининг қанчалик ҳаётий эканлиги ва тўғрилигини унинг ҳаётда, амалдаги синовлар кўрсатади. Америкалик олимларнинг фикрича, энг кўп диққат бозор иқтисодиётини назарий жиҳатдан тасвирлашга қаратилган. Лекин XX асрнинг охирига келиб, Ғарб мамлакатларида у реалликни акс эттирмай қўйди. Масалан, П.Самуэльсон ва В.Нордхауслар иқтисодиётга ташкилий жиҳатдан қарашда икки қарама-қарши етакчи оқим борлигини айтишган: бири – соф бозор иқтисодиёти, иккинчиси, давлат томонидан бошқарув. Ҳеч бир жамиятни тўла равишда улардан бирига кирита олмаймиз. Кишилик жамияти тараққиёти тарихида ҳеч қачон 100% бозор бўлмаган (XIX асрда унга яқинлашганини эътироф этганимизда ҳам)<sup>2</sup>.

XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида «абдий ҳақиқат» деб кўрсатилган қоидаларнинг эскирганлиги, реал иқтисодиётга мувофиқ келмаётгани, реал иқтисодиётнинг тез ўзгариши қатор муаммолар, хусусан, иқтисодиётда давлатнинг роли, хусусий мулкнинг ўрни ва роли, эркин рақобат ва монополиялар, фан-техника тараққиёти натижалари, XXI асрга келиб ахборот, хўжалик муносабатларининг тубдан ўзгариши, глобал иқтисодиётнинг шаклланиши ва бошқалар бўйича дастлабки қарашларни ўзгартиришни зарур қилиб қўйди.

Шундай қилиб, XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб иқтисодий назариянинг предметини ўрганишга қарашлар ўзгарди. Сиёсий иқтисод ташкилий-иқтисодий муносабатлар, экономикс эса ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ўрганишга диққат қаратишни бошлади ва бир бутун **иқтисодий тизим** сифатида кўрила бошланди. Ҳар қандай тизим (юнонча *система* – турли бўлақлардан иборат бутунлик) турли-туман элементлар, қисмлардан ташкил топган, ўзаро алоқадорликдаги яхлитлик, бутунликни ифодалайди. Хўжалик фаолияти юритишнинг барча бўғинлари ўзаро ички боғланишга эга ва улар бир бутунлик, яхлитликни ёки бошқача айтганда тизимни ташкил этади.

<sup>1</sup> Макконелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: Принципы, проблемы и политика. / Пер. с англ. 14-е изд. 2002. -С. 38.

<sup>2</sup> Самуэльсон П.Э., Нордхаус В.Д. Экономика. / Пер. с англ. 16-ое издание. – М., 2009. -С. 33.

«Иқтисодий тизим жамиятдаги турли хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида иқтисодий муносабатлар, алоқалар, жараёнларни бир бутун ҳолда, муайян тарзда таркиб топиши ва тартибга солинишини ифодалайди»<sup>3</sup>.

Айниқса, назарияга XX асрнинг 70 йилларидан бошлаб, **янги институционализм**нинг кириб келиши ва ҳозирга келиб (институционал<sup>4</sup> таҳлил аллақачонлар XIX асрда вужудга келган), иқтисодий тафаккурнинг асосий оқими (mainstream)га айланиши муҳим роль ўйнади. Унда фан-техника революциясининг оқибатлари, ахборотнинг ривожланиши, хўжалик муносабатларининг сифат жиҳатдан ўзгариши, глобал иқтисодиётнинг шаклланишига диққат қаратилади. Ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос хусусиятлари, институционал таркибини ҳисобга олмай неоклассик назариянинг универсал методлари асосида иқтисодий сиёсат юритиш - хатарли ижтимоий-иқтисодий оқибатларга олиб келишини ҳаёт кўрсатди. Бугунги кунда институционал назариянинг жаҳон иқтисодиёти фанининг етакчи иқтисодий мактабига айланиши бежиз эмас.

Неоинституционал иқтисодиёт жамиятнинг институционал тузилишига алоҳида диққат қаратади. У биринчи навбатда расмий институтларни ўз ичига олади (1-чизма). Жамиятнинг **расмий институтлари** одамлар томонидан махсус ўйлаб топилган қоидалардир. Уларга энг аввало, ҳар бир мамлакатнинг конституцияси киради. Сўнгра унга мувофиқ қабул қилинган қонунлар, меъёрий ҳужжатлар ва ҳоказоларни қамраб олади. Расмий даражада институтларни аниқлаш осон. Лекин уларни доимо англаб тушуниб етиш осон эмас.

Расмий институтлар ўзгаришларга секинлик ва қийинчиликлар билан мослашадиган норасмийлардан фарқли равишда тезда ўзгариш имконига эга. Шу билан бирга, уларнинг бажарилиши ва самарадорлиги кўп жиҳатдан улар қай даражада «одатдаги ҳуқуқий нормалар билан мувофиқлашгани, уйғунлашганига боғлиқ»<sup>5</sup>. Расмий институтлар иерархик тизим, иқтисодиётни тартибга солувчи инфраструктура ёки ҳуқуқий қатламни ташкил этади. Улар **биринчи энг юқори юза - расмий қатлам** сифатида эътироф этилади.

<sup>3</sup> Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси. / Академик М.Шарифхўжаевнинг илмий таҳрири остида. – Т.: «Ўқитувчи», 2002. -53-б.

<sup>4</sup> Лотинча *institutum* – йўл-йўриқ, кўрсатма, дастур, тартибот, удум, одат, расм-русум, қонун, қоида, қарор, низом, муассаса, ташкилот, идора, маҳкама, тузилма кабилар.

<sup>5</sup> Тимофеев Л. Теневая экономика и налоговые потери в сельском хозяйстве. // «Вопросы экономики», 2001, № 2. -С. 125.

Уларнинг сўзсиз бажарилишини таъминловчи ҳуқуқий нормаларни ҳимояловчи тизим ва механизмлар жамиятнинг институционал таркиби (структураси)нинг ўзига хос қатламини ташкил қилади. Улар марказлашган, масъулиятни тушунган ҳолда яратилади ва давлат томонидан легал ва махсус ҳимоя билан таъминланади<sup>1</sup>. Буларга суд, прокуратура, полиция ва бошқа маъмурий, ижтимоий механизмлар киритилади. Ҳуқуқий меъёрлар, нормаларнинг бажарилишини кафолатловчи механизмларга **иккинчи оралиқ қатлам сифатида** қаралади.

**Норасмий институтлар** умум қабул қилинган қоидалар, шартлар ва ахлоқ кодексини ўз ичига олади. Улар урф-одат, удум, анъаналар, «қонун» ёки норматив қоидалар бўлиб, улар ёрдамида тартибга солиш одамларнинг биргалиқда яшашлари туфайли бир-бирларини яхши тушунишлари натижасидир. Улар расмий институтларга боғлиқ бўлмаган ҳолда амал қилади ва муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг манбаи – маданиятдир. Уларга риоя қилишдан ҳар бир киши манфаатдор. Улар ижтимоий механизмлар ёрдамида узатиладиган ахборотлар натижасида вужудга келади.

Энг асосийси, улар жамиятнинг маданияти, психологияси, мафкураси билан боғлиқ. Норасмий қоидалар кишилик тарихининг дастлабки кишилар ўртасидаги муносабатлар ёзма қоидалар (қонунлар) билан мустақамланмаган ҳамда улар ёрдамида тартибга солинмаган ёки жуда кам қўлланилган пайтларда ҳал қилувчи роль ўйнаган. Ҳозирги кунда ҳам норасмий чекловлар одамларнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий соҳаларида ўзаро фаолиятининг барқарорлигини таъминлашда муҳим тартибга солиш усули сифатида фойдаланилади. Тартибга солиш даражаси жамиятда амал қиладиган этик нормаларга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Айниқса, шаклланган етакчи миллий ғоя (идеология).

Одатлар ва интуитив тахмин, афзал кўриш, қадриятларни мўлжалга олиш психологик механизм бўлиб, англаб етилмаган хавотир олиш манбаларини минималлаштиради. Кундалик ижтимоий фаолликнинг устувор шакли ҳисобланади<sup>2</sup>. Жамиятнинг иқтисодий асосини айнан ана шу «кундалик асос»<sup>3</sup> ташкил қилади. Мамлакатдаги иқтисодий,

<sup>1</sup> Шаститько А.Е. Новая институциональная экономическая теория. – М. Экономический факультет МГУ, ТЕИС, 2002. –С. 116.

<sup>2</sup> Гидденс Э. Устройство общества. Очерк теории структуры. – М.: «Академ Проект», 2003. –С. 384-385.

<sup>3</sup> «Кундалик асос» - одатлар ва интуитив тахмин, афзал кўриш, қадриятларни мўлжалга олиш кабиларни ўз ичига олади.

жумладан, бозор жараёнларини бошқарувчи объектив қонуниятларни ана шу теран ҳодисаларни ўрганиш асосидагина тушуниш мумкин. Қабул қилинган қонунларни амалда қўллаш, риоя қилишнинг тезда юз бермаслигини муҳим сабабларидан бири ҳам шунда. Одамлар узоқ вақт давомида синаб кўрилган, оқибати қандай бўлишини билган танлов асосида қарор қабул қилишни маъқул кўришади, чунки янгилик қандай оқибатга олиб келиши ноаниқ. Ана шу асос институтларнинг маданий-психологик ва ижтимоий-маданий таркиби ва мамлакатларнинг, жумладан Ўзбекистоннинг ҳам сифат жиҳатдан ўзига хослигини белгилайди. Бунда албатта диний қарашлар ҳам муҳим роль ўйнайди. Бу норасмий институтлар **учинчи теран асос – базис қатламини ташкил қилади.**

Бу концепцияга кўра «ташкилий тузилмалар» жамият ҳаётида муҳим роль ўйнаб, уларга сиёсий органлар ва идоралар, жамиятнинг иқтисодий тузилиши, таркиби, ижтимоий ва таълим муассасалари, турли нодавлат, нотижорат ташкилотлари киритилади. Давлат институционал доира (чегара), қандай ташкилий тузилмалар вужудга келиши ва ривожланишига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади.


Ташкилий тузилмалар маълум бир мақсадни амалга ошириш учун яратилади ва мувофиқ равишда танланган институционал чегара, чекловлар кўзланган фаолиятни амалга оширишга хизмат қилади. Энг янги институционал ёндашувда институтларни триада (учлик): иқтисодиёт, идеология ва сиёсатда бир бутун ҳолда ўрганилади. Бизнинг фикримизча, унинг моделини 1-чизмадагидек ифодалаш мумкин.

Неоклассик назария иқтисодий жараёнларни кўпроқ ниҳоятда соддалаштирилган ҳолда кўради, бу эса уларни нотўғри талқин этишга олиб келиши мумкин. Неоинституционализм билан неоклассик назария ўртасидаги нисбатни таниқли иқтисодчи Ж.Хожсон янада аниқроқ кўрсатиб, «неоклассик иқтисод ўз мазмуни, моҳияти билан институционал иқтисодиётнинг хусусий ҳодисаси», дейди<sup>4</sup>.

Агар неоинституционализмда таҳлил методологиясининг асосини (методологик) индивидуализм ташкил этса, «дастлабки» институционализм холизм методологиясидан фойдаланади. Унинг таҳлилдаги бошланғич пункти индивидлар эмас, балки институтлардир. Яъни индивидлар таснифи институтлар характеристикасидан келтириб чиқарилади, аксинча эмас. Институтларнинг ўзи эса такрор ишлаб чиқаришнинг макро даражасида

<sup>4</sup> Ходжсон Дж. Эволюционная и институциональная экономика как новый Мэйнстрим. // Экономический вестник Ростовского государственного университета. 2008. Т.6. №2. –С. 2-21.

1-чизма<sup>1</sup>



<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари.



улар бажарадиган функциялари орқали тушунтирилади.

Лекин неoinституционализмда принципиал жиҳатдан неоклассик ва Австрия мактабидан бошқача методологик индивидуализм қўлланилади. Бунда марказда оддий индивидуум эмас, балки институтларни яратувчи субъект - инсон туради. Натижада иқтисодий фикрловчи одамни унинг ўзи аъзо бўлган ижтимоий гуруҳлар, синфлардан, унинг ўзи яратган муҳит, ижтимоий ташкилот, тузилмалардан ажратувчи чегара барҳам топади<sup>1</sup>.

Натижада фуқароларга лойиқ ҳукумат шаклланиши эмас, аксинча, ҳукумат маълум бир фуқаролар типини шакллантиради, деган хулоса келиб чиқади.

Қабул қилинган расмий чекловлар, ҳамда давлатнинг уларни амалга ошириш учун яратган механизмлари, институционал тузилмаларнинг норасмий чекловларга таъсири ўз навбатида жамиятдаги шакланган ғоя, маданият, психология ва ахлоқ кодексига таъсир кўрсатади ва барча бўғинларнинг ўзаро таъсири охир-оқибат бутун жамият тараққиётини янги босқичга кўтаради ёки аксинча бўлиши мумкин. Буни реал ҳаётда кўришимиз мумкин.

Институтлар – жамиятда юз берган жараёнлар натижаси, у ўша давр учун мослаштирилган, шунинг учун ижтимоий инерция психологик инерциянинг муҳим омилларидир. Натижада институтлар келажакдаги бутун тараққиёт доирасини белгилаб беради.

Инсон фаолияти ва унинг хўжалик юритиш соҳасида ўзаро муносабатлари мавжуд ижтимоий меъёрлар билан белгилаб қўйилганки, улар маданият, тақлид қилиш ва одатлар орқали унинг онгига сингади, кундалик иқтисодий муаммоларни ечишда мўлжал бўлиб хизмат қилади. Иқтисодиётдаги ўзгаришлар фақат «кичик қўшимчалар» орқали содир бўлади. Мақсад ва хўжалик фаолияти характери, уни амалга ошириш усулларини ўзгартириш учун одамларнинг ўзи ўзгариши керак, яъни маълум бир «пишиб етилиш» босқичидан ўтиши зарур. Одамларнинг ёппасига иқтисодий саъй-ҳаракатининг ўзгариши мувофиқ равишда мазкур жамиятда устувор бўлган анланган ва анланмаган қадриятлар, меъёр-қоидаларнинг тарихий ва махсус бирлигидан иборат ижтимоий онг ўзгаришини талаб қилади. Иқтисодий тараққиётнинг эволюцион характери «ўтмишга боғлиқ-

лиги» хўжалик ҳаётининг миллий ўзига хосликлари ана шундан.

Ташқи муҳит, масалан, бозор яратадиган стимул одамларнинг хўжалик юритишидаги саъй-ҳаракати, танловига дарров, тўғридан-тўғри ва бир хилда таъсир кўрсатмайди. Инсоннинг ташқаридан таъсир кўрсатадиган стимулга муносабати, унинг билими ўзи яшаётган жамиятнинг институционал табиатига боғлиқ. Шу билан бирга билим олиш жараёни ва институтлар бир-бири билан ўзаро қарама-қарши туради. Бир томондан билимнинг ортиши ҳам расмий, ҳам норасмий самарасиз институтларни аниқлашга ва самарали институтларни яратишга олиб келса, иккинчи томондан, ўқитиш жараёнининг ўзи институционаллаштирилган. Одамлар ўзини ўраб турган дунёни - ўзининг дунёқараши, этиқоди, одатлари, менталитети, ахлоқий принципларига мувофиқ равишда қабул қилади ва изоҳлайди, тушунтиради.

Ижтимоий-иқтисодий тизимнинг тараққиёт даражаси муаммоларини ечиш нуқтаи назаридан мамлакат, ҳудудни институционал муҳитни характерлашнинг асосий мезони унинг таркибини ташкил этувчи алоҳида институтларнинг самарадорлиги ҳисобланади.

Иқтисодий тараққиётнинг институционал-эволюцион таҳлили методологияси биологиядаги эволюцион жараёнларни тадқиқ этиш методологияси билан кўп жиҳатдан бир хил, жуда ўхшаш. Шу сабабли мазкур йўналиш вакилларини иқтисодиётдаги «биологик метафора» тарафдорлари деб ҳам айтилади<sup>2</sup>. Агарда биологияда ажодий узатиладиган ахборотлар – ирсийлик, мувофиқ равишда узвийлик ва узлуксизлик генлар ёрдамида таъминланса, **иқтисодиётда бу ролни институтлар ўйнайди.**

Институтлар ўтмишни ҳозир ва келажак билан боғлайди. Тарих устун даражада узлуксиз институционал тараққиёт жараёнига айланади. Узоқ тарихий даврда иқтисодий тизимнинг амал қилиши, унинг ағдар-тўнтар қилиниши институционал жараёнларнинг фақат бир бўлаги сифатидагина тушунарли бўлади<sup>3</sup>. «Жамоа фаолияти, – дейди Коммонс, – индивидуал фаолият доирасини белгилаб беради». Жамиятнинг институционал таркиби - бизга бирор-бир ишни қилиш ёки қилмасликни белгиловчи чегара. Улар қонун билан белгиланган доира ва унга қай даражада қаттиқ

<sup>1</sup> Шаститько А.Е. Новая институциональная экономическая теория. 3-е изд., перераб. и доп. — М.: Экономический факультет МГУ, ТЕИС, 2002. -С. 108.

<sup>2</sup> Нестеренко А. М. Экономика и институциональная теория. / Отв. ред. акад. Л.И. Абалкин. - М.: Эдиториал УРСС, 2002. -С. 158, 292, 392-395.

<sup>3</sup> Норт Д. Институты, институциональные изменения и функционирование экономики. – М.: «Начала-Пресс», 1997. -С. 151.

риоя қилиш ёки урф-одат, анъаналар ҳамда биз қай даражада уларга риоя қилишимизга атроф-дагиларнинг муносабати бўлиши мумкин. Охи-роқибат у технология туфайли вужудга келган чегара бўлиши мумкин. Бу барча чекловлар ора-сида энг қаттиғидир. Буларнинг ҳаммаси маълум бир чегара, бошқача айтганда девор. У ҳар қандай баландликда бўлиши мумкин, лекин девор билан ўралган кенгликда эркин ҳаракат юз беради.

Жамиятнинг институционал тузилмаси ва уни иқтисодий муносабатлар билан ўзаро таъсирини чуқур ҳис қилмай инновацион иқтисодиёт, «информацион (рақамли) иқтисодиёт ва уларнинг моҳиятини тушуниш, ҳозирги кундаги ривожла-ниши, келажакка қадам ташлаш йўналишини бел-гилаш қийин. Айнан, жамиятнинг институционал тузилмасини, айниқса, расмий институтларни ўзгартириш қандай натижа беришига қараб бу фаолиятга баҳо берамиз.

Ҳозирги кунда ўқув жараёнида иқтисодиёт назарияси фанидан ёзилган илмий, ўқув адабиёт-

ларида тизим ҳақида шунчаки эслатиб ўтилади. Берилган таърифлар ҳам унинг такомиллашуви ҳақида фикр юритишга ундамайди. Унинг таркиби, уларнинг ўзаро боғлиқлиги, ривожланишида жамиятнинг институционал тузилмасининг роли, иқтисодий муносабатлар билан бир-бирига таъ-сири ҳақида умуман тўхтаб ўтилмайди. Бизнинг фикримизча, бундай қарашларимизни ўзгарти-ришга вақт етди.

Буни биздан Ўзбекистон Республикаси Прези-дентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон қарори, 2017 йил 27 июлдаги «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3151-сон қарори ҳамда бошқа фармон ва қарорларда қўйилган мақсад, вазифаларни амалга ошириш масъулияти талаб қилади.

### Адабиётлар рўйхати:

1. Маршалл А. Принципы экономической науки. / Пер. с англ. – М.: «Прогресс», 1993.
2. Борисов Е.Ф. Экономическая теория. Учебник. – М.: «Проспект», 2011.
3. Гидденс Э. Устройство общества. Очерк теории структуризации. – М.: «Академ Проект», 2003. –С. 384-385.
4. Нестеренко А.М. Экономика и институциональная теория. / Отв. ред. акад. Л.И.Абалкин. – М.: Эдиториал УРСС, 2002.
5. Норт Д. Институты, институциональные изменения и функционирование экономики. — М.: «Начала-Пресс», 1997.
6. Самуэльсон П.Э., Нордхаус В.Д. Экономика. / Пер. с англ. 16-ое издание. – М., 2009.
7. Тимофеев Л. Теневая экономика и налоговые потери в сельском хозяйстве. // «Вопросы экономики», 2001, № 2. –С. 125.
8. Тожибоева Д. Самарадорлик ва унга назарий жиҳатдан классик ва неоклассик ёндашув. // «Халқаро молия ва ҳисоб» илмий электрон журнали, 2017, 5-сон.
9. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси. / Академик М.Шарифхўжаевнинг илмий таҳрири остида. – Т.: «Ўқитувчи», 2002.
10. Тожибоева Д. Кўп укладлик шароитида аграр соҳа самарадорлигини оширишнинг илмий назарий асослари. Монография. – Т.: «Fan va texnologiya», 2012.
11. Шаститько А.Е. Новая институциональная экономическая теория. – М. Экономический факультет МГУ, ТЕИС, 2002.
12. Ходжсон Дж. Эволюционная и институциональная экономика как новый Мэйнстрим. // Экономический вестник Ростовского государственного университета, 2008, Т.6, №2. –С. 2-21.